

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мажмуасида Тошкент вилояти отиноилари учун ўқув семинари бўлиб ўтди



20:57 / 06.07.2019 2602

Жорий йилнинг 1 июль кунидан бошлаб Тошкент вилоятида фаолият олиб бораётган отиноилар учун 5 та ҳудудга бўлинган ҳолда Ўзбекистон муслмонлари идораси Тошкент вилоят вакиллиги ҳамда Тошкент вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўқув семинари ташкил этилганлиги ҳақида хабар берган эдик.

Бугун – 2019 йилнинг 6 июль куни ушбу машғулотларнинг охиргиси илмлар денгизи қолдирган фазилатли Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг муҳташам мажмуасида бўлиб ўтди. Тадбир анъанага мувофиқ тарзда Куръон тиловати билан бошланди ва жаннатмонанд

юртимиз тараққиёти, динимиз ривожини тилаб, аждодларимиз руҳи поклари ёд этилиб, дуолар қилинди.

Семинарни Тошкент вилояти бош имом-хатиби Хайруллоҳ домла Турматов ҳамда Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Ақром Қўчқоровлар кириш сўзи билан очиб бердилар. Юртимизда халқимиз фаравонлиги, динимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган хайрли ишларга ҳаммамиз гувоҳ эканлигимиз, бу дилларимизга қувонч улашаётгани ва бунинг шукронасини биз сидқидилдан хизмат қилиш билан адо этишимиз лозимлиги ҳақида тўхталдилар. Зеро, элнинг энг азиз онахонлари, опасингиллари отинойилар ҳисобланади. Бу эса, айна дамда, уларнинг зиммасига масъулиятли вазифаларни ҳам юклайди. Шунинг учун ҳар бир отинойи соф Ислому таълимотини етказиш, жойларда динимизни тўғри тарғиб қилиш, келажак эгалари бўлмиш ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом тарбия қилишда жонбозлик кўрсатишлари лозим. Семинарда ҳурматли меҳмон сифатида ташриф буюрган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Ў.Хасанбоев, ЎМИ Хотин-қизлар бўлими мутахассиси М.Абдуллаева мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча диний соҳа ходимларининг мақсади ва ҳаракати битта – юртимиздаги тинчлик, жамиятимиздаги барқарорликка ўз ҳиссасини қўшишга қаратилганлигини таъкидладилар. Шунингдек, амалга оширилаётган ислохотлар, бугунги кунда диний соҳа ходимларининг, хусусан, отинойиларнинг олдида турган вазифалар, аёллар ўртасидаги динга муносабат, дин ҳақидаги тасаввур, маърака маросимларни тартибга солиш, бидъат-хурофотларни олдини олиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Қўйилган вазифаларни амалга оширишда, жамиятда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда отинойилар ўз малака, диний билим ва савиясини янада ошириш борасида тинмай изланишлари лозимлиги, бунда шу каби ўқув семинарлари дастур бўлиб хизмат қилиши, отинойиларнинг фаолиятини янада яхшилашга, улар дуч келаётган масалаларга жавоб топишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар.

Шундан сўнг, ўқув семинари давомида мутахассисларнинг «Ислому ақидавий ва фикҳий йўналишлар», «Мумтозу тасаввуф ва замонавий тариқатчилик», «Аёлларга хос фикҳий масалалар, меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини таъминлаш», «Ислому асосларини ғаразли мақсадларда бузиб талқин қилиш» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Семинар ақидавий, фикҳий, жамиятда учраётган муаммоларга доир савол-жавобларга бой, ўта қизғин руҳда ўтди.

Таъкидлаш жоизки, семинарда иштирок этган отинойилар маърузалар жуда мароқли бўлганлиги, олинган билимлар келгуси фаолиятларида манфаатли бўлишини билдириб, ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигини изҳор этдилар.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

